

«...» :...
«...» :...
... !!... :...

...
«...» :...
«...» :...
4102]].

«...» :...
...
«...» :...
«...» :...
«...» :...

«...» :...
«...» :...
«...» :...
«...» :...
«...» :...
«...» :...

«...» :...
...
... - ... - ...

«...» :...
«...» :...
«...» :...

1. 532. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Биз Хандақ куни чуқур қазийётган эдик, қаттиқ ер чиқиб қолди. Шунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Хандақда мана бундай қаттиқ ер чиқиб қолди», дейишди. У зот: «**Мен ўзим тушаман**», дедилар-да, ўринларидан турдилар. Қоринларига тош боғланган эди. Уч кундан бери туз тотмаган эдик. Набий соллаллоху алайҳи васаллам чўкични олиб, бир зарб урдилар. Шунда у қум бўлиб сочилиб [ёки уқаланиб] кетди. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Уйга (бориб келишга) изн берсангиз»,

дедим. Кейин аёлимга: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламда бир ҳолни кўрдим, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Бирор нарсанг борми?» дедим. У: «Озгина арпа, битта улоқча бор», деди. Мен улоқчани сўйдим, у эса арпани туйди. Гўштни тошқозонга солдик. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим. Хамир кўпчиб, қозон эса ўчоққа осилган, овқат пишиб қолай деган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Озгина таомим бор эди, ўзингиз билан бир-икки кишини олиб юринг, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. «**У ўзи қанча?**» деган эдилар, мен айтдим. У зот: «**Кўп ва хўп экан. Аёлингга айт, мен боргунимча тошқозонни (ўчоқдан), нонни тандирдан олмай турсин**», дедилар. Кейин «**Туринглар!**» дедилар. Муҳожир у ансорлар туриб, юришди».

У (Жобир) аёлининг олдига кириб, «Шўринг қуриди! Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожирлар, ансорлар ва улар билан бирга бўлганларни бошлаб келдилар», дебди. (Аёли) «У зот сендан (овқатнинг қанчалигини) сўрадиларми?» дебди. «Ҳа», дебди. У зот: «**Киринглар, фақат жуда тикилишиб кетманглар**», дебдилар. Кейин нонни синдириб, унга гўшт тера бошлабдилар. Тошқозонни ҳам, тандирни ҳам улардан нарса олаётганда ёпиб қўяр, уни асҳобларига узатиб, сўнг яна (нон-гўшт) олар эдилар. У зот нонни синдириб, (гўштни) олиб қўяверибдилар, ниҳоят, улар тўйиб, ортиб ҳам қолибди. У зот (аёлга): «**Мана бу овқатни ўзинг ҳам егин, ҳадя ҳам қилгин, чунки одамлар оч**», дебдилар».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: «Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумонинг шундай деганини эшитганман: «Хандақ қазилаётган пайт эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаттиқ оч эканларини сездим. Аёлимнинг олдига қайтиб бориб: «Бирор ниманг борми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаттиқ оч эканларини сездим», дедим. У менга халтада бир соъ арпа олиб чиқди. Уйда бир қўзичоғимиз бор эди, мен ўшани сўйдим, у ҳам арпани янчиб бўлди. Мен уни (гўштни) майдалаб, тошқозонига солиб бериб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кетаётган эдим, «Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг ёнидагиларнинг олдида мени хижолат қилиб қўйманг-а!» деди. Мен у зотнинг ёнларига бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули, қўзичоғимизни сўйдик, бисотимиздаги бир соъ арпани янчдик. Ўзингиз билан бир неча кишини олиб чиқинг», деб пичирладим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Эй хандақ аҳли! Жобир дастурхон ёзибди. Қани, бўлинглар!!!**» дедилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (менга): «**Мен боргунча қозонингизни зинҳор туширманглар, хамирингизни ҳам нон қилмай туринглар**», дедилар.

Мен келдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам одамларнинг олдида келдилар. Келишим билан хотиним: «У бўлгур, бу бўлгур!» деди. Мен: «Айтганингдай қилдим», дедим. (Аёлим) у зотга хамирни олиб чиқди. У зот

унга туфлаб қўйдилар ва барака тиладилар. Кейин тошқозонимизга бориб, туфлаб қўйдилар ва барака тиладилар. Сўнг: «**Бир новвой аёлни чақир, мен билан нон ясагин. Қозонингиздан сузавер, лекин уни туширманглар**», дедилар. Келганлар минггача эди. Аллоҳ ила қасам ичаманки, (овқатни) ейишди, ҳатто ортиб ҳам қолди. Сўнг қайтиб кетишди. Тошқозонимиз эса ҳамон қайнаб-тошар, хамиримиздан боягидек нон ясалар эди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI